

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# 141 Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги Конвенцияни 2012-2013 йилларда амалга ошириш бўйича Қўшимча чора-тадбирлар ҳақида

Халқаро меҳнат ташкилотининг ратификация қилинган конвенцияларини амалга оширишни давом эттириш, зўрлаб ишлатишга ёки мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, шунингдек болалар меҳнатининг оғир шакллари йўқотиш бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва қўшимча чора-тадбирлар кўриш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги Конвенцияни 2012-2013 йилларда амалга ошириш бўйича Қўшимча тадбирлар режаси (кейинги ўринларда Тадбирлар режаси деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг кўрсатиб ўтилган конвенциялардан ва Тадбирлар режасидан келиб чиқадиган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек жисмоний шахслар томонидан болаларни зўрлаб ишлатишга йўл қўймаслик ҳамда уларнинг вояга етмаганлар меҳнатининг қонунчиликда белгиланган норма ва шарт-шароитларига риоя этиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсинлар ва амалий назоратни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар раҳбарлари томонидан кўрсатиб ўтилган конвенциялардан ва Тадбирлар режасидан келиб чиқадиган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича

кўрилатган чора-тадбирларнинг самарадорлиги мунтазам равишда кўриб чиқилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларини амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикасида амалга оширилатган ишлар ҳамда зўрлаб ишлатишга ёки мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, болалар меҳнатининг оғир шаклларини йўқ қилиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотни манфаатдор халқаро ташкилотларга етказсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 26 март,  
82-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2012 йил 26 мартдаги 82-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Зўрлаб ишлагиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенцияни ва Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни 2012-2013 йилларда амалга ошириш бўйича Қўшимча тадбирлар РЕЖАСИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
<b>I. Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш</b>				
1.	<p>Меҳнат кодексига қуйидаги нормаларни киритишни назарда тутадиган «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш: ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олаётган битирувчиларини ишта жойлаштиришнинг қўшимча кафолатлари тўғрисидаги нормалар (давлат бошқаруви органларининг йўлнамаси бўйича ўқитиш ихтисослигига ва эгаллаб олинган малакага мувофиқ ишта жойлаштириш); олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим олаётган шахсларнинг ўриндошлик бўйича ишлаши тартиби ва шартлари тўғрисидаги нормалар.</p>	Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси	2012 йил III чорак	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
2.	<p>Қуйидагилар: одам савдоси қурбонлари; ёш мутахассислар; меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган бошқа шахслар учун ишта жойлашиш бўйича қўшимча кафолатлар жорий этилишини (иш ўринларини захиралаштириш) назарда тутувчи «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси	2013 йил I чорак	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, манфаатдор вазирликлар ва идоралар

Т/р	Табирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
3.	Қуйдагиларни: ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётганда ўқувчилар учун меҳнатни муҳофаза қилиш шарт-шароитларига риоя қилмаганлик учун иш берувчилар ва ходимларнинг жавобгарлигини кучайтиришни; воёга етмаганлар учун меҳнатнинг хавфсиз шарт-шароитларини таъминлашни назарда тутувчи «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзgartiriш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси	2013 йил IV чорак	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
4.	Оилавий тадбиркорликни тартибга солиш юзасидан тегишли ўзgartiriшлар киритишни, уларда 15 ёшдан 18 ёшгача болаларнинг иштирок этиши нормаларини белгилашни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича Ҳукумат қарорни лойиҳасини тайёрлаш.	Ҳукумат қарорни лойиҳаси	Тегшли Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингандан кейин бир ой муддатда	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
5.	Таълим муассасаларининг ўқув-ишлаб чиқариш устaxonалари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қондаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.	Идоравий норматив ҳужжат	2012 йилнинг II ярим йиллиги	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги
6.	Ўзбекистон томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг ратификация қилинмаган конвенциялари бўйича Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларини ратификация қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида тахдлий маълумотнома тайёрлаш ва Халқаро меҳнат ташкилотига тақдим этиш.	Тахдлий маълумотнома	Ҳар йили — Халқаро меҳнат ташкилоти экспертларининг сўровига мувофиқ	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги
7.	Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенцияларини ва тавсияларини давлат тилига таржима қилиш, уларни кейинчалик аҳоли ва иш берувчилар орасида тарқатиш учун тўплам шаклида нашр этиш.	Халқаро меҳнат ташкилотининг ратификация қилинган конвенциялари ва тавсиялари тўлами	2012 йил IV чорак	Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги

**II. Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенцияни ва Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шиоилнич чоралар тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари**

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
8.	Қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар томонидан болаларни меҳнат қилишга мажбур этишга йўл қўймаслик ҳамда улар томонидан вояга етмаганлар меҳнатининг қонун ҳужжатларида белгиланган нормалари ва шарт-шароитларига, шунингдек Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенция ва Болалар меҳнатининг оғир шакллари тасдиқлаш ва йўқ қилишга доир шойлинич чоралар тўғрисидаги конвенция талабларига риоя этилиши устидан амалий назоратни таъминлаш.	Мониторингни амалга ошириш Қонун ҳужжатларига мувофиқ текширишлар ўтказиш	Ҳар чоракда Белгиланган тартибда тасдиқланмаган текширишлар режа-жадвалида белгиланган муддатларда	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлиги, Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
9.	Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш ва ўн саккиз ёшдан кичик ёшдаги шахсларнинг меҳнат қилиш шарт-шароитлари юзасидан жойларда меҳнат ҳақидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилишни таъминлаш.	Мониторингни амалга ошириш Қонун ҳужжатларига мувофиқ текширишлар ўтказиш	Ҳар чоракда Белгиланган тартибда тасдиқланмаган текширишлар режа-жадвалида белгиланган муддатларда	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Фермер ҳўжаликлари уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
10.	Қасб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, шу жумладан ёшлар учун мақсадли иш ўринлари ташкил этиш, бундан ташқил иш ўринларининг ихтисослаштирилган ярмаркаларини ўтказиш, таълим муассасалари битирувчиларини аниқ иш ўринларига олдидан бириктиришни ташкил этиш йўли билан ишга жойлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.	Ҳар йили қабул қилинадиган Иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ	Иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида белгиланган муддатларда	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Иқтисодийёт вазирлиги
11.	Мактабларда (юқори синфлар ўқувчилари учун) лицейлар ва коллежларда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ва Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциялари қондаларини ўрганишга йўналтирилган кичик ихтисосли ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	Ўқув дастурлари	2012/2013 ўқув йилдан бошлаб	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
12.	Ўқувчиларнинг дарсларга мунгазам қатнашмаслигининг ҳар бир ҳолатини аниқ муҳокама қилган ҳолда таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ўқув машғулотларига қатнашини назорат қилишни кучайтириш. Ўқувчиларнинг ўқув машғулотларига тўлиқ қатнашини ва ўқувчилар контингентни сақлашини таъминлаш бўйича барча зарур чора-тадбирларни кўриш учун таълим муассасалари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ўрнатиш.	Бажарувчиларнинг қўшма қарори	Қарор қабул қилиш — 2012 йил II чорак Амалга ошириш — доимо	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Бош прокуратура, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
13.	Куйдалиларга: ўқув машгулотларида асоссиз равишда қатнашмаган ўқувчилар устидан назоратни таъминлашга; ўқув машгулотларида қатнашмаётган ўқувчиларнинг ота-оналарига жамоатчилик таъсирини кучайтиришга; асоссиз равишда ўқув машгулотларида қатнашмаётган ўқувчиларни қайтаришга доир узил-кесил чоралар кўришга йўналтирилган таълим муассасалари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик сифатини ошириш.	Бажарувчиларнинг қўшма қарори	Қарор қабул қилиш — 2012 йил II чорак Амалга ошириш — доимо	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, «Маҳалла» жамғармаси
14.	Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқувчиларнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик учун жойларда мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш. Одам савдосига қарши кураш, мажбурий меҳнатдан фойдаланишга йўл қўймаслик масалалари бўйича семинар-тренинглар ташкил этиш йўли билан умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда тушунтириш ишлари олиб бориш.	Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қўшма қарори	Қарор қабул қилиш — 2012 йил II чорак Амалга ошириш — доимо	Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
15.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудида (якка тартибдаги курилиш, хунармандчилик соҳасида ва хоказоларда) мажбурий болалар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарори	Қарор қабул қилиш — 2012 йил II чорак Амалга ошириш — доимо	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси
16.	Мажбурий болалар меҳнатидан фойдаланиш бўйича ҳуқуқбузарликларни дастлабки ҳисобга олишни ва улар статистикасини ташкил этиш, шу жумладан ҳуқуқни бузишларни хусусияти, болаларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимлашга доир тақлифларни ишлаб чиқиш.	Халқаро меҳнат конференциясининг 100-сессиясида Халқаро меҳнат конвенцияси Қўмитасининг ҳулосасига мувофиқ	2013 йил I чорак	Давлат статистика қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
17.	Нобоп оилалардан бўлган болалар устидан мунтазам мониторинг олиб борилишини ташкил этиш ва амалга ошириш, оилада болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва кўриш.	Тадбирлар режаси	Қабул қилиш — 2012 йил II чорак Амалга ошириш — доимо	Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
18.	Пахта йиғим-терими ишларида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг мажбурий меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик учун жойларда мониторинг олиб бориш. Вазирлар Маҳкамасига тегишли тақлифлар билан биргаликда мониторинг натижалари тўғрисида батафсил таҳлилий маълумотнома киритиш.	Сабъ-ҳаракатлар режаси	Ҳар йили — август — октябрь	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
<b>III. Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни ва Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шонлиқ чоралар тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш масалалари бўйича кенг ахборот бериш-тушунтириш ишлари олиб бориш</b>				
19.	Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенция ва Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шонлиқ чоралар тўғрисидаги конвенциянинг мазмуни тўғрисидаги ахборот материалларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Оммавий ахборот воситаларида ёритиш лойиҳаси	Ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш — 2012 йил II чорак Амалга ошириш — 2012-2013 йиллар	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги
20.	Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ишлар ва зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилиш юзасидан кўрилатган чоралар тўғрисида маънафатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида брифинг ўтказиш.	Брифинг ташкил этиш ва ўтказиш, ушбу тадбирни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш	2012 йил апрель	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, маънафатдор вазирликлар ва идоралар
21.	«Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенцияларининг асосий қондаларини Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш» мавзусида Халқаро меҳнат ташкилоти котибияти вакиллари ва Европа Иттифоқи Комиссияси экспертлари иштирокида маънафатдор вазирликлар ва идоралар учун семинар ўтказиш.	Семинарни ўтказиш лойиҳаси дастури	2012 йил май	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, маънафатдор вазирликлар ва идоралар
22.	18 ёшгача шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиш масалалари бўйича Ўзбекистон фермерлари ўртасида ахборот-тушунтириш ишлари олиб бориш.	Бажарувчиларнинг қўшма қарори	Қарор қабул қилиш — 2012 йил II чорак	Фермер ҳўжаликлари уюшмаси, Хотин-қизлар кўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
	Фермер хўжаликлари учун «Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари ва тавсиялари, уларни Ўзбекистоннинг ҳуқуқ тизимига имплементация қилиш масалалари» мавзусида кўчма семинарлар ташкил этиш.		Амалга ошириш — 2012-2013 йиллар	Кенгаш, вилоятлар ҳокимликлари
23.	Иш бериувчилар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орасида Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенция ва Болалар меҳнатининг оғир шакллари тўғрисидаги конвенция ва йўқ қилишга доир шовилинг чоралар тўғрисидаги конвенция мазмунини очиқ бериувчи ахборот материалларини (брошюралар, буклетларни) тарқатиш.	Ахборот материалларини ишлаб чиқиш ва нашр этишнинг кўшма режаси	Тасдиқлаш — 2012 йил II чорак Амалга ошириш — 2012-2013 йиллар	Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари
24.	Болалар меҳнатининг оғир шакллари оқибатлари тўғрисида ота-оналарни мақсадли хабардор қилишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	Комплекс чора-тадбирлар	Тасдиқлаш — 2012 йил II чорак Амалга ошириш — доимо	Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги
25.	Болаларнинг ҳуқуқларини, шу жумладан меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш ва болалар меҳнатининг оғир шаклларига йўл қўймаслик масалалари буйича ахборот материалларини (плакатлар, постерларни) ишлаб чиқиш ва таълим муассасаларида тарқатиш.	Нашр проспекти ва ишлаб чиқиш жадвали	Хар йили	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, халқаро ташкилотлар
26.	Жамоатчилик ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида Халқаро болалар меҳнатига қарши кураш кунига бағишланган «давара суҳбати»ни ташкил этиш ва ўтказиш.	Болалар меҳнати муаммоларини кенг муҳокама қилиш	Хар йилнинг 12 июлига	Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
27.	Болалар меҳнатининг оғир шаклларига йўл қўймаслик буйича Ўзбекистон Республикасида кўриляётган чора-тадбирлар тўғрисида манфаатдор жамоат ташкилотларини ва халқаро ташкилотлар учун йиллик маърузалар тайёрлаш. Ратификация қилинган конвенциялар буйича Халқаро меҳнат ташкилотига янгиланган ахборотни тақдим этиш.	Болалар меҳнатининг оғир шакллари йўқ қилиш юзасидан кўриляётган чора-тадбирлари тўғрисида маҳаллий ва халқаро жамоатчилиكنи хабардор қилиш	2012 йил майгача, кейинчалик Халқаро меҳнат ташкилотининг талаби буйича	Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Инсон ҳуқуқлари буйича Миллий марказ
28.	Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг болалар меҳнати масалалари буйича халқаро конференциялардаги иштирокни таъминлаш ва масалаларнинг ушбу доираси буйича Ўзбекистоннинг нуқтаи назарини халқаро жамоатчиликка етказиш.	Болалар меҳнатини оғир шакллари йўқ қилиш буйича чора-тадбирлар тўғрисида халқаро жамоатчилиكنи хабардор қилиш	Келишув буйича	Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Бош прокуратура



Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Мас'ул бажарувчилар
29.	Халқаро меҳнат ташкилотининг ратификация қилинган конвенциялари Ўзбекистон Республикаси томонидан бажарилиши масалалари бўйича Халқаро меҳнат ташкилотига аъзо бўлган мамлакатларда тушунтириш ишлари олиб бориш.	Тегишли тушунтириш ишлари олиб бориш	2012-2013 йиллар	Ташқи ишлар вазирлиги
<b>IV. Болалар меҳнатининг огир шакллариغا йўл қўймасликка йўналтирилган халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш</b>				
30.	Муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурини амалга ошириш масаласини Москвада Халқаро меҳнат ташкилотининг Субминтакавий бюроси билан муҳокама қилиш учун таклифларни ишлаб чиқиш.	Йўналишларни аниқлаштириш ва Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликни чуқурлаштириш	2013 йил I чорак	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Хотин-қизлар кўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги
31.	Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг хоризжий касаба уюшмалари марказлари ва касаба уюшмаларининг халқаро бирлашмалари билан ўзаро муносабатларидаги устуворликларини назарда тутадиган халқаро фаолияти стратегиясини ишлаб чиқиш.	Халқаро фаолият стратегиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	2012 йил II чорак	Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ташқи ишлар вазирлиги
32.	Мамлакат минтақаларида туман ва шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари учун болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни меҳнатнинг огир шакллари билан ҳимоя қилиш масалалари бўйича семинарлар ўтказиш. Болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни меҳнатнинг огир шакллари билан ҳимоя қилиш масалалари бўйича ўқув моделини эълон қилиш.	Семинарлар дастури	Ҳар йили	Давлат ва жамият қурилиши академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
33.	Халқаро меҳнат ташкилотининг ратификация қилинган конвенциялари бажарилишини ёритиш масалалари бўйича Тошкент шаҳридаги дипломатик корпус, Ўзбекистоннинг хоризжий мамлакатлардаги консуллик муассасалари, шунингдек нодавлат нотижораг халқаро ташкилотлар билан мунтазам ўзаро ҳамкорлик қилиш.	Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари Ўзбекистон Республикаси томонидан бажарилиши тўғрисидаги халқаро жамоатчилик эътиборига етказиш	Ҳар йили	Ташқи ишлар вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги